

Qishloq hayoti

2009 йил

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Республикаси ијтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 4 Sentyabr, Juma, 105 (7566) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan Bahosi kellehlgan narxda.



Самарқанд шахрининг санюат худудила жойлашган Самарқанд иккиламчи қора металл шўба корхонасида мамлакатимиз иқтисодийети учун ўта зарур бўлган хомашё тўпланали ва етказиб берилади. Чиройли гуллар дид билан эжилган бу масканга келган инсоннинг бахри дили очилади.



Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон йўналишида йўловчи поезд қатнай бошлаганлиги барчада катта қизиқиш уйғотди. Йўловчилар бу шодиёна кунни орзиқиб кутишган эди. Шу сабабли "Тошкент-Термиз" йўловчи поездининг бойсун тоғларида қурилган пўлат излардан илк марта келиши Қумқўрғон темир йўл вокзалида қизғин кутиб олинди.



— Ўқув дарсликлари ва қўлланмалари тез-тез янгиланаётгани биз ота-оналарга ноқулайлик туғдиради, — дейди Нилуфар Ҳамроева. — Қизимга олинган дарсликлардан икки ёш кичик укаси фойдалана олмади. Шунингдек, баъзи китобларни топшиш жуда катта қийинчилик туғдиради.

ЭЗГУ ИШЛАРНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

Мамлакатимиздаги барча таълим масканларида 3 сентябрь куни биринчи қўнғироқ ва Мустақиллик дарси билан янги ўқув йили бошланди.

Ватанимизнинг куч-қудрати, салоҳияти, гуллаб-яшнаши, ҳалқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятининг юксаклиги, ёруғ истиқболимиз таълим-тарбия билан беvosита боғлиқдир. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки кунларидан ўғил-қизларни пухта билим, мустақил фикр, соғлом ва теран тафаккур соҳиблари этиб тарбиялаш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мазкур йўналишда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»-ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг мантйқий давоми бўлган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури таълим-тарбия ишларини сифат ва мазмун жиҳатдан янги, янада юксак поғонага кўтариш, ёшларнинг истеъдоди ва қобилияти, орзу-умидларини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлмоқда.

Соҳада олиб борилаётган ислохотлар ёш авлодга узлуксиз таълим бериш ва тарбиялаш жараёнини яхлит қамраб олиш, тўққизинчи синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-хўнар таълими тизимига тўлиқ жалб этиш, ўқувчиларнинг муайян касбни эгаллаши учун кенг имкониятлар яратди. Айни пайтда янги умумтаълим мактаблари барпо этиш, мавжудларини тубдан реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув-услубий, мебель ва лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, педагоглар меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, болалар спортини ривожлантириш каби йўналишлардаги ишлар қўлами тобора кенгаймоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Куннинг муҳим воқеалари

► Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳот боғида Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шахрининг 2200 йиллигига бағишланган «Биз — бир гулшанининг долларимиз» мавзусида маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда юртимиздаги барча мавлий маданият марказлари, турли жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, талабалар иштирок этди.

► Зангиота туманидаги «Қатортол» қишлоқ фуқаролар йиғинида Ўзбекистон Миллий университети янги академик лицейи фойдаланишга топширилди.

► Янги ўқув йилининг илк кунларида Бойсун туманидаги Тагтемуш қишлоғида замонавий умумтаълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

► Голландиянинг Роттердам шаҳрида дэюдо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида дунёнинг энг кучли дэюдочилари қаторида ҳамюртларимиз ҳам совринли ўринлар учун куч синашди. Ўзбекистон терма жамоаси мураббийлари Андрей Штурбабин ва Владимир Пятаев шогирдларидан икки нафари — Абдулла Тагриев ва Дилшод Чориев бронза медалга сазовор бўлди.

► Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами тантаналари кенг миқдорда бўлиб ўтган кунларда қорақалпоқ вилоятлари яратган «Хурғаман», «Манаг йилгит вақтин», «Маришарат қалдиғоч» картиналарининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

► Бухоро вилояти Когон шаҳрида замонавий «Ешик» спорт мажмуаси ишга туширилди.

“ҒАЛЛАКОР”ДА ЯНГИ САВДО МАРКАЗИ

бу ерда қишлоқ аҳлига нақд пулсиз савдо хизмати кўрсатилмоқда

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига асосан Боев туманидаги «Ғаллакор» савдо фойдаланувчилар уюшмаси худудда замонавий ва шином савдо маркази иш бошлади.

Мазкур хайрли ишни амалга оширишда Сирдарё вилояти «Матлубот савдо» акциядорлик жамияти ҳамда «Микрокредитбанк»нинг Боев тумани филиалининг ҳиссаси катта бўлди. Қишлоқда қад ростлаган замонавий қиёфадаги «Наврўз» савдо марказида озиқ-овқат, қурилиш моллари, турли

ичимликлар ва хўжалик моллари бўлимлари фаолият юритмоқда. — Қишлоғимизда яратилган бундай қулайликдан хурсандимиз. Энди рўзгор учун зарур нарсаларни шу ернинг ўзидан пластик картонка орқали харид қилаверамиз, — дейди Екубжон Шокиров.

Қишлоқларда барпо этилаётган бундай замонавий савдо марказлари ҳуқуматимиз томонидан аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир.

Қаҳрамон ҚУННОЗОВ

Сирдарё вилояти

Нукусда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги, Тошкент шахрининг 2200 йиллигига бағишланган кросс бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали жамоасининг ташаббуси билан ўтказилган ушбу мусобақада республикадаги барча олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Кросс майдонида профессор-ўқитувчилар

40 ёшгача бўлган ўқитувчилар ўртасидаги беллашувда Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали ўқитувчиси Иззат Тилеумуратов, Нукус давлат педагогика институтидан Махсуда Юлдашева, катта ёшдаги ўқитувчилар ўртасида Қорақалпоқ давлат университетида Алишер Аспетуллаев, Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалидан Гулжамол Сейдановалар ғолиб бўлди.

Умумжамоа ҳисобида Қорақалпоқ давлат университети жамоаси биринчи, Нукус дав-

лат педагогика институти жамоаси иккинчи, Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Ғолибларга Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг, олий ўқув юртлари ректоратларининг дипломлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Чорвачилик: СОҶА ИСТИҚБОЛИ СОНДА ЭМАС, МАҲСУЛДОРЛИКДА

Мамлакатимизда мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Буни биргина сардармад соҳа чорвачилик мисолида ҳам кўриш мумкин.

Соҳани ривожлантириш учун биринчи навбатда, озуқа базасини мустаҳкамлаш, чорва наслини яхшилаш, наслдор молларни кўпайтириш ва уларни республикамиз шароитига мослаштириш вазифаси қўйилмоқда. Бу бордаги амалий ҳаракатлар учун Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шаҳсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ҳамда 2008 йил 21 апрелдаги «Шаҳсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кўчатириш ҳамда чор-

вачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорлари дастуриламал вазифасини ўтаётди. Шунингдек, соҳа тараққиётига хизмат қилувчи қатор лойиҳалар ҳам амалга оширилди келиммоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, БМТнинг Тараққиёт дастури, Исроиел давлатининг Машав халқаро алоқалар маркази билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда чорвачиликнинг барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси. Бундан икки йил муқаддам

бошланган лойиҳадан қўланган мақсад соҳа ривожланишида муҳим йўналишларни аниқлаш, уларни амалга оширишда қўмақлашишдан иборат. Тошкент вилоятининг Куйи Чирчиқ ва Чиноз туманларида лойиҳа доирасида наслчиликни ривожлантириш, ветеринария ишларини такомиллаштириш, фермерлар, зоотехник, ветеринарларнинг билим савиясини ошириш борасида қатор ишлар қилинаётган.

Ушбу туманлардаги тажриба хўжалиқларида чорва молларини озиқлантириш, наслини яхшилаш мақсадида тажриба, синов ўтказилди, — дейди лойиҳа менежери Абдуразақ Хўжабеков. — Ўтган даврда 30 нафардан зиёд киши исроиллик ҳамкасбларининг тажрибалари билан танишиб келди. Шунингдек, соҳа вакиллари учун доимий равишда ўқув-семинарлари, амалий маш-

гулотлар ўтказиб келинмоқда.

Яқинда Куйи Чирчиқ туманида бўлиб ўтган ана шундай семинарда қатнашиб, чорвачилик тармоғидаги, хусусан наслчиликдаги ютуқ ва муаммолар, мутахассис ва ишлаб чиқарувчиларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишдик.

— Жаҳон тажрибасидан маълумки, молнинг кўли эмас, маҳсулдорлиги муҳим, — дейди профессор Муродилла Аширов. — Бизнинг олдимиздаги мақсад қорамоллар наслини яхшилаб, имкониятлардан оқилона фойдаланишдир. Республикаимиздаги мавжуд қорамолларнинг 95 фоизи эса аҳоли ихтиёрида. Бу ўз навбатида тушунтириш, тарғибот ишларини кенгайтиришни тақозо этади. Зооветеринария, сунъий қонирш пунктларида хизмат қилишни кўчатириш лозим.

(Давоми 2-саҳифада)

Янги уй қувончи

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг 18 нафар ишчи-хизматчисига Қоровулбозор шаҳридаги Нефтичлар кўрғонида барпо этилган янги уйлар қалити топширилди.

— Ун икки йилдан буён шу заводда ишлайман, — дейди Венера Қаҳорова. — Оиламиз катта. Уй-жойимизни кенгайтириш заруратини ҳисобга олган маъмурият замонавий қулайликларга эга янги кotteжи оиламизга ажратгани чексиз қувонч, мамнуният бағишлади.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида уй-жой қурилишига катта аҳамият берилётган. Айни пайтда ишчи-хизматчилар учун 12 та коттеж қурилиши давом этмоқда. Улар Янги йил байрами арафасида эгаларига топширилди.

Э.ЕГОРОВ, ЎзА мухбири.

Бухоро вилояти

ЗАРКЕНТ ва ҚИЗИЛЭЗИНИ БОҒЛОВЧИ КўПРИК

Истиқлолимизнинг 18 йиллиги кенг нишонланган айни кунларда юртимизнинг шахар ва қишлоқларида бир қатор янги иншоотлар, таълим-тарбия масканлари, маъмурий ва турар-жой бинолари фойдаланишга топширилмоқда.

Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида Заркент ва Қизилэзи қишлоқлари ўртасида янги кўприк қуриб фойдаланишга топширилди. Узунлиги 54, кенлиги 24 метрни ташкил этаётган мазкур иншоот Нанай ва Мамай қишлоқларини ҳам вилоят маркази билан боғлашда муҳим ҳақиқатга эга.

А.САТТОРОВ, ЎзА мухбири.

Наманган вилояти



Ўзбекистон Республикаси Аграрноаҳоли комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ергеодезкадастр», Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, «Ўздонмаҳсулот», «Ўзжимёсаноят», «Ўзагроосуғурта», «Ўзвиносаноат-ҳолдинг», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниялари, «Ўзпахтасаноат», «Ер-мой ва озиқ-овқат саноати», Ўзбекистон фермер хўжалиқлари, «Ўзагрошарсвис», «Ўзғўштусаноат» уюшмалари, «Агробанк», «Қишлоқ қурилиш банк», Халқ банки, «Гидрометеорология» бoш бошқармаси, Аграрноаҳоли ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши, «Ўздавдонинспекция», «Сифат» маркази

(Давоми 2-саҳифада)

КАСБНИ ЭЪЗОЗЛАБ ХАЛҚ ХЎРМАТИГА ЭРИШДИ



Кечки овқатдан кейин Тўра ва акиси Камол дастурхон атрофида анча сўхбатлашиб ўтиришди. Ҳафталик ишни якунлаб уйига қайтган Камол ўқасига "Хамза-2" насос станцияси қурилишида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида сўзлаб берди. Акасининг айтганларини мириқиб тинглаган ёш Тўранинг тони билан кўзига уйқу келмади, ҳисоб. Унинг ҳам ўша қурилиш майдонига боргиси, қилинаётган ишларни ўз кўзи билан кўргиси келди. Ҳафта ўтиб эрта тонг билан ишга отланган акасининг қаршилигига ҳам қарамасдан унинг орқасидан эргашди.

...Ястаниб ётган бепоён чўл. Машинадаги одамларнинг гурунги ёш Тўранинг қўлига ҳам кирмайди. Унинг нигоҳлари чор-атрофга қадалган. Бегоҳат бўлиб акиси таърифлаган ўша қурилиш майдонини излайди. Анча муддат чўлнинг ўнқир-чўнқир йўлларидан силтаниб юрган машина ниҳоят қурилиш майдонига етиб келди.

Ўндан ортик экскаватор маълум масофада тизилиб, ер қовлапти. Улар чикарган тупроқни улкан бульдозерлар нарига суришмоқда. Сал пастроқда насос станцияси қурилишида қатнашаётган юзлаб киши иш билан банд. Бир гуруҳи бетон қоринчаларини қўйиш, яна бир гуруҳи темир панжараларни пайвандлаш билан машғул.

Уларнинг ишини ҳавас билан кузатиш, мавриди келганда бунёдкорларга кўмакдош бўлиш ёш йилгича бир дунё қувонч бағишлади. Мазкур қурилиш майдонига ке-

йин ҳам бир неча мартаба бўлган Тўранинг қалбида бу касбга нисбатан илқ мейр уйғонган. Вақт келиб эса ана шу мейр унинг ҳаёт йўлини белгилаб берди.

Ўрта мактабни тугатган Тўра Нарзиёв ҳеч иккиланмай, акиси Камол Укромов ёнига бориб, ҳозирги "Аму-Бухороканалқурилиш" акциядорлик жамиятига қарашли 4-сон механикалаштирилган жамланмада экскаваторчи бўлиб ишга кирди. Ҳам акиси, ҳам устози бўлиш Камол акадан экскаваторчи бошқариш сирларини ўрганди. Ундаги касбга бўлган қизиқиш, интилувчанлик тез орада ўз мевасини кўрсатди.

Харбий хизматдан қайтиб, кадрдон жамоасида, ўз севган касбидан ишлаш истаги борлигини билдирган Тўра Нарзиёвни жамоа раҳбарияти ҳам илқ қилиб олишди. Унга алоҳида механизмни ишониб топширишди.

Мана орадан 35 йил вақт ўтибдики, у ана шу жамоада сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда. Шу вақт оралиғида Тўра Нарзиёв вилоятда қўллаб қўллаб сув иншоотлари, мелiorация объекти қурилишида қатнашди. "Шўркўл" сув омбори, Қаржён номидида канал, "Каттақул-Ҳўжайли" коллектори каби ўнлаб қурилиш объекти шул ҳулласидандир.

Тўра Нарзиёв қайси қурилиш майдонига ёки ирригация-мелiorация объектига ишлаганини, у ерда ўз ҳамкасбларини янгидан янги меҳнат ютуқлари сари ундади. Бу борада уларга ўрнак бўлди. Меҳнат фаолияти давомида ўндан ортик шогирд тайёрлаб, уларнинг касб маҳоратини оширишларига ҳам кўмаклашди.

— Тўра акага ҳар доим муҳим объектларни ишониб топширамиз, — дейди жамланма раҳбари Ориф Жумаев. — У ўзига топширилган

вазифани ҳар доим масъулият билан қабул қилади ва уни сифатли ниҳоясига етказгунча тиним билмай меҳнат қилади. Ўзига бирктирилган механизмни асраб-авайлаш, ёқилги-мойлаш маҳсулотларини тежаб-тергаб фойдаланиш борасида ҳам жамоамизда Тўра акага тенг келадигани йўқ. Мана 15 йилдирки, Тўра ака бошқарётган экскаватор узлуқсиз ишлаб келмоқда. Бундай самарали фаолият сўзсизки, меҳнат жамоамизнинг иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлишига ҳам хизмат қилади.

Тўра Нарзиёвнинг ана шундай узоқ йиллик ва самарали меҳнати ўзининг муносиб баҳосини тоғди. У Юртбошимизнинг Фармонида кўра, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги байрами арафасида Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик қарамонона меҳнати ҳамда ёш авлоднинг ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси учун "Ўзбекистон Қарамони" унвони билан тақдирланди.

— Шундай юксак унвонга сазовор бўлган кунимда, "Кўмсултон" зовурида иш олиб бораётган эдик. Тунги соат йилларда ёнимга югуриб кирган бульдозерчи Юсуф Ҳамро-

ев менга биринчи бўлиб ушбу хушxabарни етказди. Унинг анчагина ҳазилкашлигини билиб, сўзларига дарров ишонмадим. Аммо орадан бироз вақт ўтиб, жамоамиз раҳбари ҳам мени қутлаган вақтида, беихтиёр кўзларимга секин ёшлар қалқиди. Менга шундай юксак муқофотни лойиқ кўрган Юртбошимиз, юртдошларимизнинг олдида бир умр таъзимдаман.

Тўра Нарзиёвни юксак унвон билан қутлаш мақсадида у истиқомат қиладиган Жондор тумани Қоровул маҳалла фуқаролар йиғини қарашли Хужарой қишлоғида бўлди. Унинг мўъжазгина ховлиси дўсту ёрларга тўлган. Йиғилганларнинг барчаси Тўра аканинг шундай муқофотга лойиқ инсон эканлигини раис галла-гал эътироф этишди.

— Худудимиздаги 980 та хонадонда 3900 нафар фуқаро истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рамазон Ҳамроев. — Нарзиёвлар оиласига ҳар томонлама ҳавас қилса арзийди. Тўра ака ҳам, у кишининг турмуш ўртоғи Хосият опа ҳам меҳнатсеварлиги, камтарлиги, меҳроқибатлиги, ширинсуханлиги билан маҳалламизда ҳурмат топган инсонлардан. Уларнинг 6 нафар фарзандида ҳам ўз ота-онасидаги каби юксак инсоний фазилатлар мўжассам.

Ҳамроз АЛИ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Бухоро вилояти

ОЗОД ВА ОБОД ГЎШАЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

(Боши 1-саҳифада)

Тантаналарда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан "Обод қишлоқ", "Бир келиб кетинг, қишлоғимизга!", деб номланган байрам композицияси ҳам намойиш этилди. Шунингдек, шодиёналарда азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги, пойтахт илм-фани, маданияти шуъласидан баҳраманд шаҳар ва қишлоқларимиз раванқи тараннум этилди. Мустақиллик байрами шодиёналарида пойтахтдан ташриф буюрган таниқли хоначалар ҳам озод, обод юртин тараннум этувчи қўшиқлари билан қатнашдилар.

Вилоятнинг энг чека худудларида бўлиб ўтган Истиқлол байрами тантаналарига ҳам таниқли режиссёр, балетмейстер ва ижодкорлардан иборат ижодий гуруҳ жалб этилди.

Хусан ТЕМИРОВ



ХОРАЗМ. Қалблари истиқлол нашидасидан қувонгча тўлган хоразмликлар Мустақиллик байрами ва мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйини нишонлаш учун Ўргач шаҳрида бунёд этилган "Авесто" боғига тўпландилар.

Йиғилганларни вилоят ҳокими Оллаберганди Оллабергандов энг азиз ва энг улғу байрамимиз — Мустақиллик кунини ва пойтахтимизнинг муборак тўйини билан қутлаб, воҳа аҳлига ўзининг самимий тилакларини изҳор этди.

18 йил ўтган вақт ичида мамлакатни юксалтириш йўлидаги савий-ҳаракатлар, барча соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар, муҳими, қишлоқларимиз онгиди рўй берган ижодий ўзгаришлар мезони билан ўлчасак, унинг моҳияти асрларга тенглигига ишонч ҳосил қиламиз. Бунинг тарафидан аҳоли Истиқлол байрамиди меҳнатдаги ютуқлари билан қарши олдидилар.

Байрам тантанасига боғча тарбияланувчилари ва ўқувчи ёшлар томонидан тайёрланган концерт дастурлари, санъаткорлар томонидан ижро этилган ашула ва рақслар, театрлаштирилган саҳна қўйишлари янада фойда киритди. Истиқлол байрами тантаналари вилоятдаги ҳар бир туман, ҳар бир маҳаллада давом этмоқда.

Холмурод ҚУРБОНОВ

НАВОЙИ. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва муаззам пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи арафасида навоийлик бунёдкорлар кўплаб янги ишоотларни фойдаланишга топширдилар. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси бюромасига кўра барпо этилган 80 ўринли "Олтин-сой" сикатҳоҳида табиий иссиқ сув мўлагаси орқали асаб ва ҳаракат таянч тизимларини даволаш йўлга қўйилди.

Вилоят марказида жуда кичик муддатда кат растлаган мухташам Матбуот уйи ижодкорларга янада қўтаринки кайфияти бағишлади. Эндиликда ушбу бинода ижодий уюшмалар, газета ва журналлар таҳриратлари фаолият кўрсатади. Шунингдек, замонавий ускуналар асосида жиҳозланган босмахона фаолияти йўлга қўйилди.

Нурота туманининг Папанай қишлоғида, Хатирчи туманидаги Амир Темур ва Шароф Рашидов номидидаги фермерлар уюшмалари худудларида қуриб битказилган касб-хўнар коллежларининг очилиш маросимларида сўз олдган меҳнат фахрийлари Мустақиллик юртимиз раванқи ва эл фаровонлигининг пойдевори бўлаётгани, ёшларга янги имкониятлар зийгини очиб берганини таъкидлашди.

Бахриддин САДРИДДИНОВ

Чорвачилик: СОҲА ИСТИҚБОЛИ СОНДА ЭМАС, МАҲСУЛДОРЛИКДА

Шу тумандаги "Жамол" фермер хўжалигининг раҳбари Айтуар Турсуновнинг мутахассислиги зоотехник. У дастлаб ишни бир неча қорамол билан деҳқон хўжалиги шаклида бошлаган эди. Бугунги кунда унинг моллари сони 60 тага етди. Ҳаммаси насли — бушув ва гольштейн зотли сигирлар. Фермернинг таъкидлашича, кам мол билан ҳам юқори даромад олиш мумкин. Бу ишнинг улуғи, энг ашало этдор моллар парваришига ниҳоятда эътибор билан ёндашиш лозим.

Семинар давомида мута-

хассис, олимлар ва иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазаларида кўп бора таъкидланганидек, тармоқни ривожлантириш учун қилинаёқ ишлар қўламини кенг. Бунинг учун олиму мутахассис, фермеру чорвадорнинг ҳамжиҳатлиги, илмий ёндашиш, илгор тажрибаларни амалиётга таъбиқ этиш, уларни омаллаштириш талаб этилади. "Ўзбекистонда чорвачиликнинг барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси эса ана шу жарағнага қўмаклашишни мақсад қилган.

Анвар ҚУЛМУРДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

(Боши 1-саҳифада)

Биология фанлари номзоди Уктам Саидовнинг таъкидлашича, суний урулантириш орқали мол наслини босқичма-босқич яхшилаш тизимини такомиллаштириш, бу борада соҳа ходимлари ва қорамол бор қишлоқларнинг малака ва билиминини ошириб бориш керак. Кейинги йилларда хориждан сермахсул зотлар ҳамда суний урулантирилган қорамол билан қўлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш керак. Фикрининг исботи сифатида айтиб ўтиш мумкинки, кейинги 3,5 йилда хориждан 14 минг бошдан ортик зотли қорамол келтирилган. Аммо улардан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Бунинг учун, айтиб ўтилганидек, тақрир ва интилуш етишмаётган.

Лойиҳа доирасида иш олиб борилаётган Қуйи Чирчиқ ту-

БИР КЕЧА-КУНДУЗДА 12 ТОННА НОН



Мамлакатимизда саноат корхоналарини модернизация қилиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётган айни кунларда "Янгийўлшаҳарсаудо" МЧЖ таркибиде фаолият яритувчи "Янгийўлшон" корхонаси ишга тушди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати бир кеча-кундузда 12 тонна қопилли нон ёпиб имкониятини беради. Унинг Янгийўл шаҳри чеккасида жойлашган Аҳмадхон Анорқулов номли аҳоли яшаш пункти худудида жойлашган фуқароларга катта қулайлик туғдирди. Бундан ташқари, "Янгийўлшон" корхонасида тайёрланган нонлар шаҳар бўйлаб жойлашган дўконларга ўз вақтида етказиб берилмоқда. Корхонани ишга тушириш давомида 350 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди. Бу маблағнинг 150 миллион сўм банкдан кредит сифатида олинди.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Тошкент вилояти

МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИ ЧИҚИНДИ ЭМАС, БОЙЛИК

Самарқанд шаҳрининг саноат худудида жойлашган Самарқанд иккиламчи қора металл шўба корхонасида мамлакатимиз иқтисодиёти учун ўта зарур бўлган хомашё тўпланди ва етказиб берилди. Чиройли гуллар дид билан экилган бу масканга келган инсоннинг баҳри дили очилади.

алоҳида эътироф этиб ўтмоқ жоиз.

— Темир парчаларини газ ёрдамида кесиб чиқилган масъулият ва чидам талаб қилади. Бу касбга ёшлигимдан қизиқман. Шу сабабдан у ҳаётимнинг мазмунига айланиб қолган, — дейди корхона газ билан кесувчиси Улугбек Маматов. — Доимо раҳбарлар ҳамда устозлар ўғитларига амал қилиб келаман. Олаётган даромад орқасидан фаровон яшяпмиз.

У кишининг фикрларини бошқа

Қарор ва ижро

ҳамкасблари ҳам маъқуллашди.

Корхона тайёрлов бўлими муҳандиси Олимжон Пўлатов бизни корхонанинг бугунги фаолияти билан яқиндан таништирар экан, ходимларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Корхона ишчилари ойига ўртача 1900 тонна хомашё йиғиштириб оlishади. Бу курсаткини йил давомида 21 минг 200 тоннага етказиб режалаштирилган. 2009 йилнинг олти ойида 11 минг 140 тонна металл йиғиштириб олинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 280 тонна

ютуқларни қўлга киритиши учун барча жараёнини фаол иштирокчисига айлган.

Илгарилари "Вторчермет" деб юритиладиган бу даргоҳнинг ободонлаштирилишида тажрибали мутахассис Абдумалик аканинг хизматлари беқисс. У киши узоқ йиллардан бери корхонада раҳбарлик қилиш билан бирга бу ерда ўнлаб шогирд етиштирди. Уларнинг савий-ҳаракатлари билан самарқанд иккиламчи қора металл шўба корхонаси директори Абдумалик Абдусамидов. — Бугунги кунда ҳар бир ишчи-хизматчи олдингидек белгиланган иш соатида келиб, "Ишимни бажарсам бўлди, у ёғи мени қизиктирмайди", — дея ўзини лоқайд ҳодим ҳисобламайди. Аксинча, у ўзи фаолият кўрсатаётган корхона катта



кўп демақдир.

Кундалик ҳаётимизда катта аҳамиятга эга бўлган металл чиқиндиларини йиғиб топширишда Самарқанд шаҳри, Ўргут, Самарқанд, Тойлок туманлари ҳокимиятлари, Самарқанд автомобиль заводи, "Сино" совуқчи ишлаб чиқариш хиссадорлик жамияти, вилоят электр тармоқлари, марказий газ таъминоти унитар корхонаси, касб-хўнар ўрта махсус таълим бошқармаси сингари жамоалар ўрнак кўрсатишмоқда.

— Туманлардан келиб тушган металл парчаларининг ҳисоб-китобини юритиш, маълумотларни ўз вақтида юқори ташкилотларга етказиш билан шуғулланамиз, — дейди тайёрлов бўлими муҳандиси Олимжон Пўлатов. — Бугунги кунда корхонамиз тасарруфида 4 та қранд, 3 та трактор, 2 та юк машинасидан унумли фойдаланаятиримиз.

— Қаердаки ишлаётганларга етарли даражада шарт-шароит яратиб берилса, шубҳасиз, у жойда меҳнат ютуқларига эришади, — дея сўхбатта қўшилди корхона касаба уюшма кўмитаси раиси

Улугбек ЖУМАЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Самарқанд вилояти

ЭЗГУ ИШЛАРНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

(Боши 1-саҳифада)

Дастурга кўра, ўтган вақт мобайнида 8500 мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шу жумладан, 351 та янги мактаб биноси қурилди, 2470 та мактаб биноси ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси реконструкция қилинди, салкам олти мингта яқин мактаб мукамал ва жорий таъмирланди. Бунда мактабларни тоза ичимлик суви, табиий газ, замонавий алоқа-коммуникация воситалари билан таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигиндан олинган маълумотларга кўра, янги ўқув йилида 477 минг нафардан ортик ўғил-қиз умумтаълим мактабларининг биринчи синфига илк марта ўқишга борди. Президентимизнинг совгалари — дарсликлар, ўқув адабиётлари, янги ўқув қуроллари уларга тантанали тарзда топширилди.

Айни пайтда умумтаълим мактабларининг тўққизинчи синфларини тамомлаган 595 минг нафардан ортик ўғил-қиз таълимнинг кейинги босқичи — ўрта махсус, касб-хўнар таълими билан тўлиқ қамраб олинди. Истиқлол йилларида юртимизда жорий этилган таълимнинг ушбу бўғини ёшларга жаҳон андозалари даражасидаги касб-хўнар коллежлари, академик лицейларда билим олиш баробарида ўзи қизикқан соҳа ва йўналишлар бўйича касб эгаллаш имконини бермоқда.

Таълимдаги кенг қўламли ислохотлар олий таълим тизимига ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топомқда. Мазкур бўғин иқтисодиётнинг реал сектори учун малакали мутахассислар тайёрлаш билан бирга таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро интеграцияни таъминлашда, илгор инновацион гоёларни амалиётга кенг жорий этиш орқали мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий қудратини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказидан олинган маълумотларга кўра, жорий ўқув йилида 57 минг 305 нафар йилгит-қиз бакалаврият йўналишида талабалikka қабул қилинди.

Шу кунги юртимиз таълим маъсасаларида биринчи қўнғироқ янгради. Ёшларнинг илк сабоғи — Мустақиллик дарси билан бошланди. Унда истиқлол биз учун энг улғу, энг азиз қадрият, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, гуруҳийлик тимсоли экани, эзгу орзу-интилушларимиз, ютуқ ва муваффақиятларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида барча ҳамюртларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллагани ҳусусида сўз юритилди.

Назокат УСМОНОВА,
УзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Матбуот хизмати хабар қилади

2009 йилнинг 29 август кунини тахминан соат 18⁰⁰ да биринчи шаҳар касалхонасининг атрофида, "Кўкча" масжиди яқинида, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманининг Маннон Уйғур кўчасидаги 5-уйининг 3-хонадон манзилда Ўзбекистон ҳукудони муҳофаза қилувчи органлари томонидан муқддам Тошкент шаҳрида республика фуқароларига қарши бир қатор қўтилик жиноятларини содир этган террорчилар гуруҳини йўқ қилишга қаратилган махсус операция ўтказилган.

Ушбу ҳолат ҳақидаги маълумот тежвор-тергов тадбирлари ўтказилганлиги сабабли воқеа содир бўлган пайтда берилмаган.

Ўтказилган тадбирлар натижасида юқоридега қайд этилган жиноятларга дахлдор бўлган хорижий террористик марказларда харбий тайёргарлик ўтаган уюшган жиноий гуруҳ аниқланган.

Махсус операция натижасида учта террорчи, шу жумладан, қидирувда бўлган жиноий гуруҳ раҳнамоси Махмудов Шавкат Дилшодович йўқ қилинган.

Хозирги кунда мазкур ҳодиса юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов қилинмоқда ва зарурий тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Шунингдек, шу террористик гуруҳнинг бошқа фаол аъзолари ушланган ва иқдорий кўрсатмалар беришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Матбуот хизмати ушбу жиноий гуруҳ аъзолари устидан олиб берилган тергов ҳаракатлари натижаси бўйича қўшимча маълум қилади.

Наманганнинг бугунги шукуҳи ўзгача

Президентимизнинг Наманган вилоятига ташрифи чоғида айтган сўзлари ва кўрсатган йўл-йўриқлари меҳнат аҳлини руҳлантирибгина қолмай, ижодкорлик ва яратувчанликка ундаётгани бугун яққол кўзга ташланмоқда.

БУГУНГИ ФЕРМЕР КЕЧАГИ ДЕКХОНГА ЭКИ ЧОРВАДОРГА ҲАММИЗМИ?

Очиғи, ер билан ишлаган одамларнинг деҳқон, мол-ҳол боққан одамни чорвадор деб ўрганганмиз-да. Йўқ, назаримда, бугунги фермер ўша одамларнинг ўзи эмас. У қўлидаги кетмонни эрининг жигарига уришдан олдин бу зарбасининг борадиган манзилини ҳисоб-китоб қилади.

Косонсой туманидаги "Чашмаи сафед" фермер хўжалигида йиллар мобайнида ана шу ҳисоб-китобнинг жойига қўйилгани натижада бугунги кунда Россия, Голландия ва Беларусь мамлакатларидан олиб келинган етти юз ўттиз бошдан зиёд насли мол парвариш қилинмоқда. Шундан уч юз ўттиз боши соғин ситир бўлиб, қўнига тўрт-беш тонналаб сут олинади.

Илгари сутни баъзи фирмаларга икки юз-уч юз сўмдан топшира эдик, — дейди хўжалик раҳбари Хамидхон Мўйдинхўжаев. — Бу маъқул эмас эди, албатта. Қайта ишлашни йўлга қўямасак, тайёр маҳсулот ишлаб чиқармасак, баракка бўлмаслигини тушуниш ва Германиядан қадоклаш ускунаси олиб келдик. Ҳозирда ўн икки турдаги сут ва тўрт турдаги қолбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарилапти. Югославиядан келтирилган янги ускуналар ишга тушса, соҳиса ва сардella ҳам тайёрланади.

Ҳозирда икки юз саксон нафар киши ишлаётган жамoa бу ангилки ҳисобига яна йигирма нафарга қўпайиши кутилмоқда. Очиғи,

Хамидхон Мўйдинхўжаевни оддий деҳқон эки чорвадорга ўхшата олмадик. Хўжалик томонидан ўтган йили ёшлар учун хомийлик асосида қўриб берилган ҳашаматли мажмуа ўзида футбол, баскетбол майдонлари, сузиш бассейни, тренажёр зали ва дам олиш мажмуаларини жамлаган. Ҳаммом, саргарошхона ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ишга туширилиши жамoнининг турман аҳлига бу йилги Мустақиллик байрамига тўхтаси бўлди.

"Нуроний" жамгармасининг турман бўлинмаси раиси Усмонхон Валиевнинг гаплари анча таъсирчан.

— Кегаги кун ишхонамига бир йигит келиб эшикни тақиллатди, — дейди осоқол. — Нима гап десам, отахон, мана бу бугдойни ноҳор оилалар бўлса тарқатсангиз.

— Ие, кимнинг боласисан, қаердансан, деганимга қарамай машинасига ўтирди-ю, кетди. Суриштириб билдим, бир фермернинг ўли экан. У кимлигини ҳам билдириб ўтирмай толган ҳосилдан халққа улашайтган янги замон кишини, сахий, очикўл инсон эди. Бугун кишлоқимизда бирон кўзга кўринарли тadbирини, қўрилшини, ташаббуси — фермернинг иштироки, маслаҳати ва албатта, ёрдамисиз амалга ошмайди. Улар жамиятнинг таянчига айланиб боришмоқда.

Буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан бўлган дейсизми? — Албатта, йўқ, — дейди Усмонхон ота. — Бу даражага келиш учун деҳқонга энг қўлай шароитлар яратиб берилди. Мана, деҳқон ерда ишлайди, унинг уруғлиги олиб ке-

линади, ўғити етказиб берилади, сув тармоқлари тортилган, техника олишига имтиёзли кредит берилади. Бунга тушуниш, англаш, фақат меҳнат қилиш керак. Аста-секин мана шу меҳнат баробарида унинг дунёқараши ҳам ўзгариб, қилаётган меҳнатини самарали ва фойдали қилишга ўтапти қишлоқ аҳли. Ҳоҳланг, самолёт заводи қуринг — марҳамат, бундай эркинлик ҳеч қачон бўлган эмас-да. Тўлқинлантирадигани — ҳатто Тошкентдаги тамаддиҳонада "Чашмаи сафед"да чиққан пишлоқдан олиб кел, деган гапни эшитиб, хурсанд бўлиб кетдик. Чунки бу маҳсулотнинг мазалилигидан завқланиш биргина Хамидхонники, косонсойликларники эмас, балки Наманганнинг фахри эди. Мана бунга натижа деса бўлади.

Бугун дунёда молиявий-иқтисо-

концернлари минглаб ишчи ўрнини қисқартираётгани, деярли барча мамлакатларда, кузатилмоқда. Бизда эса...

— Ўтган йилга нисбатан 25 фоиз ишлаб чиқаришни оширдик. Бунинг бир асосий сабаби аҳолининг кўп уй қураётгани билан боғлиқ, кейин маҳсулотимиз импорт ўринини босадиган товарлар сирасидан бўлгани учун унинг бир томондан сифатини ошириш, иккинчидан, таънаҳини камайтириш бу натижаларимизнинг сабаблари бўлди, — дейди Наманганда сантехника асбоб-ускуналари ишлаб чиқараётган янги корхона раҳбари Аҳрор Ҳалимов.

Мухаммадали Расулов шахарда пойабзал ишлаб чиқариш билан ном қозongan "Амир" хусусий фирмаси раҳбари. Унинг жамoаси ўтган йил давомида олтиш миллион сўмлик болалар ва эркаклар пойабзали



"Амир" хусусий фирмасининг ҳар хил турдаги пойабзаллари сифати ва бежиримлиги билан ўз харидорларини топиб узлурган.

дий инкироз кезмоқда. Оммавий ахборот воситалари жаҳонда ўзини унча-мунчага тенг кўрмайдиган мамлакатлар аҳолиси ташвишлари ҳақида маълумотлар берад экан, шак-шубҳасиз инкироз ҳеч бир кишини бефарқ ва лоқайд қолдираётгани йўқ. Ишлаб чиқариш суратлари кескин камайиб, машҳур ишлаб чиқариш компания ва

ишлаб чиқарган бўлса, шу йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич бир ўзи йигирма миллион сўмни ташкил этмоқда. Дарвоқе, ўтган йили йигирма иш ўрни яратилган бўлса, 2009 йилнинг шу давригача қўйимча қирқ нафар киши иш билан таъминланди. Бу эса ишлаб чиқариш қарий тўрт баробардан ортиққа ошганини кўрсатади.



Тўрақўрғон туманидаги "Шаҳид Ҳусо қуши" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қашқар вилояти раҳбари Абдурахим Ҳамидов.

Шу ўринда Намангандаги "Замин-люкс текс" хусусий корхонаси мисолида икки оғиз гап. Корхона бошлиғи Мухаммадхон Ғаниев давлатдан икки юз ўттиз миллион сўм кредит олиб, иш бошлаган эди. Эркаклар учун костюм-шимлар ишлаб чиқараётган қарий саксон кишилик жамoa Германия ва Ўрта ҳароб аҳолидан келтирилган энг замонавий ва компьютерлашган дастгоҳларда ишлаб, шу йилнинг ўтган даврида биргина қоракалпоғистонлик ҳамкорларга беш юз миллион сўмлик маҳсулот етказиб бердилар. Мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги ҳамкорларнинг Наманган тумани ҳудудидаги ушбу корхона маҳсулотларидан беҳад мамнунликлари бу маскандан уларнинг оёғи узилмаётганидан ҳам маълум.

САРА УРУҒЛИК — МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Бундан йигирма йиллар илгари Ўзбекистон вақти келиб нафақат ўзини галла билан таъминлайди, балки четга ҳам дон сота бошлайди, деса ким ишонар эди? Тўқсонинчи йилларда асосан Краснодар ўлкасидан уруғлик келтирилган ва уларнинг ўртача ҳосилдорлиги йигирма уч — йигирма беш центнерни ташкил этар эди. Ҳозирги кунга келиб сарошчи уруғлар мамлакатимизнинг ўзида етиштириляпти.

Деҳқонларнинг эътирофидан, галлани йигиштириб олиш учун янги комбайнларнинг олиб келингани, агрофармачилик фойзи камайтирилгани, йигим-терим мавсумининг қисқа

муддатларда амалга ошириляётгани ҳам муваффақиятлар омили бўляпти. Чортоқ ва Уйчи туманларида "Ғайрат", тоғли ҳудудларда "Ғавҳар" нави тавсия этилмоқда, — дейди олимлардан бири, — уларнинг ҳар томонлама кўрсаткичи илгариги наваларидан қолишмайди.

— Навининг-ку яхши-ёмони бўлмайди, — дейди Суғорилдиган ерларда галла ва дуқакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институтининг Наманган филиали раҳбари, иқтисод фанлари доктори, профессор Носир Отахонов. — Аммо деҳқоннинг бир-бирдан фарқи бўлади-да. Сабаби, бир ариқнинг икки томонида бир хил уруғ қаддаган деҳқоннинг бири қирқ, иккинчиси олтиш центнер ҳосил олаётганда навадан гина қилиш керакмас-да. Бу билан барча муваффақиятлар замирида деҳқон омили биринчи ўринда туршини айтиб ўтмоқчиман, — дейди у.

Шу филиалнинг тажриба участкаси бор. Намангандан Уйчи туманига кетаверишдаги бу баҳаво ҳудуд қўлай шароитга эгалиги учун танланмаганмикин, деган шубҳа ҳам пайдо бўлган эди. Ҳадиқ ўринсиз экан. Бу ифодани англаган Носир ака ушбу ҳудуднинг аслида чиқиндилар уюми жойлашган ва ўта хароб аҳолида бўлганини, айнан шу жой ақратилганда олим, насиб этса, бу жойни қўрқам ва обод даражага олиб келамиз, деб ният қилганини айтди.

— Юртбошимизнинг вилоятга ташрифи ниҳоятда катта аҳамият касб этди, — дейди Мазнавий тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Зиёвуддин Мансур. — Халқимиз шуурида кўтаринкилик, ишчанлик борлигини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Наманганда ўзгача шукуҳ, шижоатни сезасиз. Шаҳарда бошланган бунёдкорлик ҳаракатларидан яна бирон икки йил ўтиб, унинг қўйғаси таниб бўлмас даражада ўзгаришини тасаввур этиш қийин эмас. Энг муҳими одамлар...

Уларнинг ўз Ватанига, унинг порлоқ келажакига ишончи, унда уларнинг ўрнини излаётгани, бу келажакни қуришда чеккада қолмаслик, юрт тақдирига даҳлдор бўлиб яшаш туйғусини чуқур ҳис этилишидир.

Ҳусан ЭРМАТОВ, журналист. Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.

Наманган вилояти

леж директори Мурод Юлдошев. — 2007 йилда коллежимиз тасарруфида умумий майдони 50 гектар бўлган ўқув-тажриба хўжалиги ташкил этилиб, мана шундай имкониятга эга бўлди. Бундан ташқари, ушбу майдонга турли хил экинлар экиб, яхшигина даромад ҳам оляпти. Масалан, ўтган йилги даромадимиз 90 миллион сўм атрофида бўлди. Бу эса коллеж моддий-техник базасининг янада мустаҳкамлашидан далолатдир. Мазкур илм маскани билан боғлиқ яна бир эътиборли жиҳат шундаки, бу ерни битирувчиларнинг ишга жойлашиш борасида муаммолари йўқ. Негаки, туманининг табиий-географик жойлашуви, мавжуд имкониятлари бу борада муаммо юзга келишига ўрин қолдирмайди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур коллеж жамoаси ҳам мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг янада юксалишига хизмат қилдиган малакали кадрлар тайёрлаш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Раимқул СҲЯРОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Бухоро вилояти

Шуқрона

Шунингдек, қасаба уюшмаси биз касаначиларнинг санитарийларда даволашиб, дам олиш уйларида хордиқ чиқаришимиз учун ҳам гамхўрлик кўрсатади. Корхонада меҳнат ва жамғариб борилар...

диган пенсия дафтарчаларимиз очилган. Ховлимдаги мўъжазгина устаноманда электродвигателлари тозалаб ўтириб, гоҳ-гоҳида ўйга толаман: оддий меҳнаткаш фуқаро учун бу қадар эътибор ва гамхўрлик истиқлол берган имкониятлар туфайли эмасми? Уйимда ўтириб ишласам-да, мўмайгина иш ҳақи олсам, тагин ижтимоий ҳимоянинг барча турларидан баҳраманд бўлсам...

Абдуолим ҲАМИДОВ, Дўстлик туманида яшовчи касаначи.

Жиззах вилояти

Ҳавзадаги хазина

балиқ элимиз дастурхонига тортиқ этилади. Баликларни парваришда ишчилардан Хусан Саидов, Эркин Сайфуллаевларнинг хизмати катта бўлмоқда. Туну кун қилаётган меҳнат ўзининг самарасини берляпти. Октябрь ойидан бошлаб балиқларни овлашга қиришамиз. Мақсадимиз балиқни қайта ишлайдиган минтехнология келтириб, шу эрининг ўзида консерва ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, 60 тонналик сизимга эга музоҳонани қайта ташмирлаб, аҳолини йил давомида маҳсулот билан таъминлашдир. Бундан ташқари корхонамизга қарашли савдо дўқонлари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

"Жайхун қўли" жамoаси ана шундай эзгу иштакларни дилга туққан. Зеро, бунинг замирида юрт тараққиети, халқ фаровонлигига хизмат қилишдек муштарак туйғулар муҳасам.

Хусан ТЕМИРОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Қашқадарё вилояти

Ёшлар камоли — ЭРТАНГИ КУНИ ИСТИҚБОЛИ

ошираётган одилона сиёсати, изчил ишлотлар, қолаверса, мустақиллигимиз берган имкониятлар натижасидир. Бунга виждоний пок, қалб қўзи очик ҳар бир юртдошимиз ич-ичидан чуқур ҳис этиди, албатта.

Дарҳақиқат, Истиқлол йиллари республикамизда қўллаб ютуқлар қўлга киритилди. Бунга биргина таълим соҳасида эришилган салмоқли натижалар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Таълим тизимидидаги түб ишлотлар самараси ўлароқ, мамлакатимиз бўйлаб қўллаб замонавий мактаблар, академик лицейлар ва касб-хўнар коллежлари барпо этилди. Улар бугун ёшларнинг севишли ўқув маскани бўлиш билан бирга шаҳар

ру қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Бундай улкан бунёдкорлик ишлари билан ҳар қанча фахрланас қарийди. Уларда таҳсил олаётган ёшлар учун барча шароитлар яратиб берилган. Билимга чанқок, изланувчан ёшларни ўзида жамлаган ана шундай илм масканларидан бири бу Бухоро вилоятидаги Когон қишлоқ хўжалик касб-хўнар коллежидир. 2000 йилда аввалги 8-сонли хўнар-техника билим юрти негизда ташкил этилган мазкур коллеж нафақат туманда, балки вилоятда ҳам ўзига хос мавқега эга. Айни пайтда бу масканда "Фермер — ўлкашунос", "Қишлоқ хўжалик машина ва жиҳозларига техник хизмат кўрсати-

тиш", "Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ишлов бериш ва саклаш технологияси", "Бухгалтерия ҳисоби", "Тивуқчилик ишлаб чиқариш", "Ветеринария", "Сув хўжалиги ва мелiorация", "Компьютер тармоқлари ва офис жиҳозларини монтаж қилиш ва таъмирлаш" сингари қатор йўналишлар бўйича 880 нафар ўқувчи касб-хўнар сирларини ўрганишмоқда. Уларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш мақсадидан "Ёш механизатор", "Ёш энергетик", "Автомобиличи" каби 23 та фан тўғрисида ташкил этилган.

— Бизда ўқувчиларнинг ўрганган билим ва кўникмаларини амалий мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади, — дейди кол-

УЗОҒИМИЗ ЯҚИН, МУШКУЛИМИЗ ОСОН БЎЛДИ



Тошгузар-Бойсун-Кумкўрғон йўналишида йўловчи поезди катнай бошлаганлиги барчада катта қизиқиш уйғотди. Йўловчилар бу шодиёна кунни орзиқиб куттишган эди. Шу сабабли "Тошкент-Термиз" йўловчи поездининг бойсун тоғларида қурилган пўлат изарлардан илк марта келиши Кўмкўрғон темир йўл вокзалида қизгин кутиб олинди.

Радиокарнайдан поездининг Кумкўрғон вокзалига кириб келаётганлиги эълон қилиниши йўловчиларнинг шоду ҳуррамлигига улашиб кетди. Карнай-сурнай саҳолари янгради. Юқори мартабали меҳмонлар, темирйўлчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари вокзал перронига поездини кутиб олиш учун пешвоз чиқдилар. Уларнинг қувончи янги йўлдан ўз манзилига етиб келган йўловчиларнинг хурсандчилиги билан уйғунлашиб кетди.

Энди "Тошкент-Термиз" йўловчи поезди ана шу йўл орқали ҳаракатланади. Янги темир йўлдан йўловчи поездининг қатнай бошлаганлиги йўловчиларнинг манзилларига тез етиб боришини таъминлади. Чипталар ҳам анча арзонлашди.

Замонавий Кумкўрғон темир йўл вокзалида йўловчилар учун қўлай шароитлар мавжуд: дам олиш учун стуллар қўйилган, оналар ва болалар хонаси, тиббиёт хонаси, ишлаб турибди.

Тошкент темир йўл муҳандислари тайёрлаш институти талабаси Комил Ёрматов бу ердан биринчи бўлиб чипта сотиб олди. Оқсай маҳалласида яшовчи Фотима Аскаралыева мамнун-

лигини шундай баён қилди: — Неварам Гулбаҳор Менглиева Тошкент Тиббиёт академиясида ўқийди. Авваллари у Термизга бориб поездида чиқарди ёки автобусда кетарди. Бир неча йилдан буён Кумкўрғондаги темир йўл вокзалидан йўловчи поездининг қатнашини орзу қилардик. Мана, орзумизга эришдик.

— Намангандаги "Чортоқ" дам олиш санаторийсида даволаниб қайтдим, — дейди Усмон Сувонов. — Тошкентдаги вокзалга келсам, янги йўналишдаги поездга чипталар сотилаётган экан. Сурхондарёлик юртдошларимиз янги темир йўлнинг ишга тушишидан чексиз қувондилар. Вагондаги намунали қулайликлардан баҳраманд бўлиб, Кумкўрғонга, оиламиз бағрига шодумон етиб келдик.

Поезд Термиз сари жўнар экан, барчанин кўзларида севинч порлади. Яна бир қулайликдан барча мамнун. Воҳамиз ривожига улкан ҳисса қўшувчи темир йўлда ҳали жуда кўп янги-янги қулайликлар яратилиши шубҳасиз.

Жуманазар АНОРОВ, Нурмуҳаммад МУҲАММАДИЕВ. Сурхондарё вилояти

Қашқадарё вилоятида ҳозирги пайтда қўллаб балиқчилик хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Нишон туманидаги Талимаржон, Қамоши туманидаги Чимкўрғон, Ликликўл, Ғузур туманидаги Пачкамар, Шаҳрисабз туманидаги Ҳисорак сув омборлари, Миришкор туманидаги Сечанқўл, Аланг каби сув ҳавзаларида балиқчиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу ерда ташкил этилган хўжаликларда маҳаллий шароитга мос балиқлар парваришляпти.

Қарши шаҳридаги "Жайхун қўли" савдо ишлаб чиқариш хусусий корхонаси жамoаси ҳам бу соҳада кенг қўллами ишларни олиб бормоқда. Нишон туманидаги 24 гектарлик сув ҳавзасида "Сазан", "Оқ Амур", "Дўнг пешона" балиқлари парвариш қилинмоқда. — Сув ҳавзасида табиий усулда урчирилган ва вилоят балиқчилик хўжалигидан келтирилган уруғларни парваришляпмиз, — дейди корхона раҳбари Сайфулла Назаров. — Гектардан кўзда тутилган 7 центнер ўрнига 9 центнердан маҳсулот олмақчимиз. 18-20 тоннага яқин




Қашқадарё вилояти

МАКТАБ, ДАРСЛИК ВА САБОҚ

Бу сўзларнинг биргаликда касб этган мазмуни келажакимиз тақдирини англатади

Инсон умрининг энг беғубор, сермазун ва айна чоғда масъулиятли даври ўқувчилик йилларидир. Ўқувчи мактаб бағрида таълим-тарбия, билим олиш жараёнида ўзи сезиб-сезмай тақдирини ва келажак пайдеворини бунёд этади, мустақил шахс сифатида шакллана боради. Унинг эртага жамиятда қандай ўрин ва мавқе эгаллашида мактабда олган билим даражасининг аҳамияти беқиёс.



Ўтказилди. Сўрономалар натижасига асосланган ҳолда 2009-2010 ўқув йили учун 315 номдаги 22658862 нусхадаги дарсликлар нашр этилди. Уларнинг 15136576 нусхаси ижара тизими, 2214696 нусхаси кам таъминланган оила фарзандлари учун, 5307590 нусхаси 1-синф ўқувчиларига мўлжалланган.

Шунингдек, ўқитишда замонавий усуллардан фойдаланишнинг тезкор таъсири ҳисобга олинган ҳолда 65 номдаги электрон дарсликлар, 26 номдаги ўқув фильмлари ҳамда 28 номдаги мультимедиа дастурий воситаларини яратиш режалаштирилган.

Ўқув дарсликлари ва қўлланмалари тез-тез янгиланаётгани биз ота-оналарга нуқуллайлик тугдиради, — дейди Нилуфар Ҳамроева. — Қўзимга олинган дарсликлардан икки ёш кичик ўқаси фойдалана олмади. Шунингдек, баъзи китобларни топиш жуда катта қийинчилик тугдиради.

Дарвоқе, ота-оналарда дарсликлар масаласида баъзи эътирозлар пайдо бўлаётганини эшитиб қоламиз. Масалага ойдинлик киритиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги мутасаддиларига мурожаат қилдик.

— Ҳар йили октябрь ойида республикамиздаги барча халқ таълими бўлимлари ўқув дарсликлари ва қўлланмалари бўйича мактабларнинг навбатдаги ўқув йили учун эҳтиёжини ҳисобга олиб буюртма беришади, — дейди Халқ таълими вазирлиги Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлими бошлиғи Зулфия Давронова. — Шу боис дарсликлар нашр этишда мамлакатимиз мактабларида таълим олаётган ҳар бир ўқувчи назардан четда қолмайди. Баъзи дарсликлар бўйича жойларда муаммоларнинг юзга келишини айрим мутасаддиларинг масъулиятни тўла ҳис қилмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Бундай муаммага дуч келган ота-оналар мактаб раҳбариятига мурожаат қилиб масалани ўз жойида ҳал қилиши керак. Ҳозирги кунда 2009-2010 ўқув йили учун мўлжалланган дарсликларнинг 85 фоизи мактабларга етказилди. Уларнинг янгилаш масаласига келадиган бўлса, 1-синф учун мўлжалланган дарсликлар ҳар йили, 2, 3, 4-синфлар учун ҳар икки йилда, 5, 6, 7, 8, 9-синфлар учун ҳар тўрт йилда қайта нашр қилинади. Чунки нашрлар



Эслаб кўрайлик. Ўқиш-ёзишни ўрганишимиз биланок "Ким бўлсам экан?" мавзуда фикр-мулоҳазаларимизни баён эта бошлаганимиз. Бу ўй-фикрлар эса дунёқарашимиз кенгайгани сари ўзгариб ёхуд тобора катъийлашиб бораверади. Шу маънода мактаб таълимида дарсликлар ва ўқув қўроллари келажак бунёдкорларнинг камоли учун бирламчи восита ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг "2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида"ги қарори мазкур масалага мамлакатимизда нечоғли катта аҳамият қаратилаётганини кўрсатади. Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактабларининг 2009-2010 ўқув йили учун қайта нашр режасига киритилган 1, 4, 6, 7-синф дарслик ва ўқув қўлланмаларининг ҳар бири бўйича республика миқёсида ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида сўрономалар

ТАЖРИБА ВА СИФАТГА БЕРИЛГАН ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги нишонланаётган кунларда хорижий инвестиция иштирокчидаги "Тошкентвино комбинати" очик акциядорлик жамиятининг махсулотлари "Ялта. Золотой грифон-2009" халқаро танловида голиб деб топилганлиги эълон қилинди.



"Тошкент" коняги ҳамда хуштаъмлиги ва сифати билан ажралиб турадиган "Ширин" ва "Мускат" винолари олтин медалга сазовор бўлган бўлса, куёшимиз тафти, еримиз саховатидан баҳра олган "Ўзбекистон ва жаҳон" узумдан тайёрланган ярим ширин "Қора гўзал" ва "Дикая орхидея" қизил винолари бронза медалларини кўлга киритиб, республикамизда ишлаб чиқарилаётган махсулотлар бугун жаҳон бозорида харидорлигини намойён этди.

Бугун корхонада 80 номдаги махсулот тайёрланмоқда. Шу йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида 25 миллиард 75 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди.

Энг замонавий тех-нология билан жиҳозланган Бектемир туманидаги ликёр-ароқ заводи фойдаланишга топширилиш арафасида. Янги заводда сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Тайёр махсулотнинг сифати энг аввало, хомашё етиштирувчиларнинг меҳнатига боғлиқ. Юртимиз боғбонлари сифатли саноатбоп узум етиштириб, бугун корхона жамоасининг халқаро танловларда совриндор бўлишига кўмаклашдилар.

"Тошкентвино комбинати" Жиззах вилояти Бахмал туманидаги "Бахмалвино" шўъба корхонасида сифатли вино материаллари тайёрлашни йўлга қўйди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган махсулотлар ташқи бозорда ўзига хос таъми, экологик соф ва сифати билан "Ялта. Золотой грифон-2009" халқаро танловининг олтин медалига сазовор бўлди. Ушбу жамият жамоасига олтин медаль муборак бўлсин, деймиз.

Ҳозирги кунда корхонанинг республикамизнинг турли минтақаларида узум етиштирувчи фермерлардан хомашё қабул қилувчи ўнта пункти иш олиб бормоқда.

Бу ютуқларнинг омилли аввало, виночиликдаги тажриба бўлса, иккинчидан, юқорида таъкидлаганимиздек, худуднинг ўзига хос табиати саноатбоп узум етиштириш ва қайта, ишлашда инновацион технологиялардан унумли фойдаланишдир. Ушбу комбинатнинг ишга тушганига 142 йил бўлган, ўтган даврда бу ерда тўпланган тажрибалар, илмий изланишлар ҳамда бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган тайёр махсулот сифатига қаратилаётган эътибор халқаро эътироф учун замин бўлган.

Мифтилло ЮСУПОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.



оралигидаги мuddатда дарсликлар эскириши, йўқолиши, яроқсиз ҳолга тушиши мумкин. Шунингдек, таълим қардош тилларда олиб бориладиган республикамиздаги барча мактаблар ҳам мазкур тартиб асосида дарсликлар билан таъминланади.

Халқ таълими вазирлиги маълумотига кўра, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг 200 та туман (шаҳар)ларидаги 754 та мактаб қошида "Мактаб бозорлари ва ярмаркалари" ташкил этилган. Айни пайтда қизгин фаолият олиб бораётган мазкур савдо нуқталарининг 113 таси туман марказларидан олисда бўлган чекка қишлоқларда ташкил қилинган қувонарли ҳолдир.

Ярмарка савдоларида зарур кийим-кечаклар, ўқув қўроллари етарли миқдорда бўлишини назорат қилиш ва ўрнатилган тартибда маҳаллий ҳокимиятларга маълумот бериш вазифаси жойлардаги халқ таълими бўлимлари ва мактаб раҳбарларига топширилди. Шу билан бирга ярмаркалар ҳақидаги батафсил маълумотлар ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида кенг тарғиб қилинди.

— Мактаблар қошида ярмарка савдоларининг ташкил этилиши биз ота-оналар учун катта қўлайлик тугдириди, — дейди Азиза Иноғомова. — Чунки фарзандларим билан узоққа бориб юрмай зарур ўқув қўроллари харид қилиш имкониятига эга бўлдик.

2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиши дастурининг қабул қилиниши таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш билан бир қаторда таълим мазмунини янгилаш ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Таълим мазмунини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири дарсликлар бўлгани боис соҳанинг етакчи фидойилари мазкур қўлланмалар давр талаби ва жаҳон андозларига мос келадиган даражада бўлишини таъминлашга ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Алифбенинг эндигина ўрганган ҳажжи ўйил-қизлар тилида "Китобим — офтобим" дея эътироф этиладиган билимлар манбаи дарҳақиқат, том маънода бутун инсониятнинг умр йўлини ёритиб турувчи маёқдир.

Феруза ЭҒАМОВА



СПОРТ

Миржалол Қосимов дунёнинг кучли мураббийлари қаторида

"Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси" 2008 йилнинг энг яхши клуб мураббийлари рейтингини эълон қилди.

Мураббийлар рейтингига Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби устози Сэр Алекс Фергюссон биринчи погонани банд этган. Иккинчи ўринни эса Санкт-Петербургдаги "Зенит" клуби бош мураббийи Дик Адвокат эгаллаган.

Ушбу рейтингга Осиё қитъасидан икки мураббий киритилган. Унинг бири миллий терма жамоамизда бош мураббий сифатида фаолият олиб бораётган Миржалол Қосимовдир. Қитъамиздан рейтингда жой олган яна бир мураббий ўтган йили Япониянинг "Гамба Осака" клубини Осиё Чемпионлар лигаси турнирининг шохсупасига олиб чиққан Акири Нишинодир.

МДХ давлатлари бўйича олиб қаралган эса рейтинг жадалида Қосимовдан ташқар, Беларуснинг БАТЭ клуби бош мураббийи — Виктор Гончаренко ҳам бор.



US OPEN: Денис Истомин муваффақиятли бошлади

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида "Катта дубулга" туркумига кирувчи "US OPEN-2009" теннис мусобақаси бўлиб ўтмоқда.

Соврин жамғармаси 21,6 млн. АҚШ долларини ташкил қиладиган мазкур мусобақада Ўзбекистоннинг биринчи ракеткаси Денис Истомин ҳам иштирок этмоқда.

Дастлабки ўйинда Истомин АҚШлик теннисчи Брендон Эвансни 6:4, 6:4, 7:6 ҳисобида мағлубиятга учратди. Кейинги босқичда ҳамюртимиз эквадорлик теннисчи Николас Лапентига қарши қортга чиқади.

Илк ғалабалар ва илк мағлубият

1 сентябрь кuni Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича жаҳон чемпионати старт олган эди.

Унда 11 вазн тоифасида Ўзбекистон бокс терма жамоаси ҳам иштирок этмоқда.

Кунги кеча бўлиб ўтган жангларда терма жамоамиз аъзолари Шахриёр Исоқов (51 кг), Санжарбек Раҳмонов (64 кг), Хуршид Тожибоев (60 кг) ҳамда 2007 йилги жаҳон чемпиони Аббос Атоев (75 кг) ўзларининг илк ғалабаларини кўлга киритдилар. Афсуски, 91 килограмм вазн тоифасидаги вакилимиз Сардор Абдуллаев хитойлик боксчиға қарши кечган биринчи жангида мағлуб бўлди ва мусобақани тарк этди.

Навбатдаги жангларда терма жамоамиз шарафини ҳимоя қилиш учун рингга Алишер Махмудов (48 кг), Тулашбой Дониёров (54 кг), Баҳодир Султонов (57 кг), Ботир Махмудов (69 кг), Элшод Расулов (81 кг) ва Рамз Аҳмедов (91 кг)лар чиқишади.



Азиз НУРУЛЛАЕВ

ПРОФНАСТИЛ МЕТАЛЛОЧЕРЕПИЦА аксессуары

Производим и устанавливаем

под заказ (+99899) 188-80-60 175-28-41 302-13-12

Тошкент ш. Қунаев кўчаси 12-уйдаги "NASOS-MONTAJ" (ИНН_300553578, ОКОНХ 61124) МЧЖ тугатилади. Давловлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

ООО "SENDRIJON" (ИНН 300584168) Шайхантахурского р-на г.Ташкента сообщает об уменьшении своего Уставного фонда с 13 128 900 сум до 4 300 000 сумов. Тел.: +99897-775-82-80.

АВТОТРАНСПОРТ КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ

GAZ GROUP AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт — 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўриндиқли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўриндиқли микроавтобусларни сотади. Ҳақ тўлаш исталган усулда!

"ГАЗ-3221" русумли 13 ўриндиқ микроавтобус

"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк кўтарувчи машина

Манзил: 100015, Тошкент ш. Шаҳрсабз кўчаси 16'-уй, Тел/факс: (99871) 256-13-01, 256-10-36, 256-03-62, 126-12-94, Автосалон: 127-69-60, 140-41-22, 140-41-21, E-mail: info@auto.uz Web-site: www.auto.uz

АЗИЗ МУШГАРИЙЛАРИ! "Қишлоқ ҳаёти" ва унинг иловаси "Ҳаёт" газеталарига 2010 йил учун обуна бошланди. Обуна газета таҳририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул тўлови ёки пул ўтказиш йўли билан ҳамда пластик қарточка орқали амалга оширилади.

БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ: "Қишлоқ ҳаёти" ва "Ҳаёт" биргаликда — 144 "Ҳаёт" — 145

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ	МУАССИСЛАР КЕНГАШИ Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарход ОМОНОВ, Раҳимберди БҮРИЕВ, Фуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саиднам СAIДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илхом ХАЙДАРОВ, Борий АЛИХОНОВ, Абдурахмат БОЙМУРОДОВ, Мухаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОВ, Зайнулдин ОБИДОВ.	ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Айгит АДИЛОВ, Гофир АЛИЕВ, Тулашбой КАРИМОВ, Шухрат ГАНИЕВ, Уктам БАРНОЕВ, Уттир РАҲМАТ, Қомилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёв ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулло ЮНУСОВ, Шерзод ФУЛОМОВ, Муҳаммад АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).	ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибхона — 233-95-17, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93. ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — 585-16-12; Андижон — 224-99-13; Бухоро — 542-05-18; Жиззах — 386-61-16; Наманган — 224-81-09; Фарғона — 223-35-98; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 372-38-13; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 750-82-39; Қашқадарё — 221-59-40.	Реклама ва эълонлар 233-44-43, 775-04-73, 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун бюртмачи жавобгар. Т-тикорат мақола.	МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	Навбатчи: АҚУЛМУРОДОВ Мусахҳас: Э.ХАЙИТОВ Дизайнер: Ф.РАСУЛОВ
-------------------------------------	--	--	--	--	---	---